

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:

№ МД – 5А220102- 2.05

2016 йил “9” 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “22” 01

**АХБОРИЙ ЖАМИЯТ НАЗАРИЯСИ
ФАНИ ДАСТУРИ**

- Билим соҳаси: 200 000 - Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси: 220000 - Журналистика ва ахборот
Мутахассислик: 5А220102 – Халқаро журналистика (*фаолият турлари бўйича*)
5А220101 – Халқаро журналистика (*спорт журналистикаси*)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Мўминов Ф.А. - ЎзДЖТУ “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси профессор, ф.ф.д.

Тошпўлатова Н. - ЎзДЖТУ “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент.

Такризчилар:

Маматова Ё.М. - ЎзМУ журналистика факультети “Матбуот” кафедраси мудири, ф.ф.д. (*турдош ОТМ*);

Матёқубов А. - ЎзДЖТУ “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

“Ахборий жамият назарияси” фани журналистика соҳасида таълим олаётган магистратура босқичи талабаларига соҳанинг назарий билимларини ўзлаштиришда ахборот назариялари, уларнинг турли давр ва тизимларда ўзгариб бориши, жамиятнинг ахборий муносабатлари, у билан боғлиқ кадриятлар, миллий менталитет муаммоларини тушуниш, ахборот билан ишлаш маданиятидан хабардор бўлиш, медиа маконнинг бугунги қиёфасини англаш ҳақидаги билимларни беради. Жаҳон матбуотшунослигида ахборот жамияти тушунчаси халқаро журналистика ривожланиши қонуниятлари, менталитет ва медиатаълим асосларини ҳам илмий-назарий, ҳам амалий жиҳатдан атрофлича ўрганилишини тақозо этади. Ушбу фан доирасида жаҳон журналистикаси тажрибаларидан келиб чиқиб ахборий жамиятнинг етакчи назариялари ва улар билан боғлиқ амалий жараёнларни ўрганиш, тадқиқ этиш кўзда тутилади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларни жамиятни янада эркинлаштириш жараёнлари, мамлакат ОАВ тизимини замонавий мезонлар даражасига кўтариш ахборотлашган жамиятнинг ўрни ва аҳамиятини тушунтириш, бу жараёнларда мамлакат ОАВнинг иштироки, уларда фаолият олиб бораётган журналистларнинг профессионал маҳоратини оширишда хорижий журналистика қонуниятлари асосларининг аҳамияти билан ҳам назарий, ҳам семинар нуқтаи назарлардан хабардор қилишдан иборат. Бунда миллий ва етакчи хориж давлатларининг шу борадаги тажрибалари таҳлил қилинади, қиёсан ўрганилади. Янада муҳими, ахборий жамият тимсолида мамлакат ОАВ тизимида ўзини-ўзи бошқариш муҳитини яратиш асослари тушунтирилади.

Фаннинг вазифаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ахборий жамият моҳиятини тушунтириш;
- журналистикада ахборот назарияларининг ўрни ва аҳамияти ҳақида маълумот бериш;
- талабаларда тараққий этган хорижий мамлакатларнинг ахборот муносабатларини, жаҳон ва миллий ОАВ фаолиятида миллий менталитет асосларини ташкил этиш назарияси, ҳуқуқий асослари, ахлоқий меъёрларининг фаолиятига эркин баҳо бериш ва бу борада етарли кўникмалар ҳосил қилиш;
- анъанавий матбуот ва аудиовизуал журналистикада замонавий фаолиятни йўлга қўйиш, замонавий медиатаълим назарияларини ўрганиш, уларнинг моҳиятини таҳлил этиш, матбуот, радио, телевидение ва ахборот агентликлари билан узвий алоқалар ўрнатиш амалиёти ўрганиш;

- ахборотлашган жамиятда медиатаълимнинг замонавий кўринишлари ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- ушбу жараёнларда журналистнинг ижодий ва ташкилотчилик маҳорати, унга қўйиладиган талаблар ҳақида маълумот бериш.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Ахборий жамият назарияси” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида магистрант:

- ахборот инфратузилмаси;
- янги ахборот тартиби истиқболи;
- халқаро коммуникация соҳасидаги сиёсат;
- ахборот соҳасидаги рақобат ва ахборот бозори ҳудуди борасидаги сиёсат;
- халқаро фондлар, журналистика бўйича ташкилотлар, жумладан, БМТ, ЮНЕСКО фаолияти;
- ягона ахборот ҳудуди назарияси;
- халқаро ахборот оқимини бошқариш муаммолари;
- миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- Ўзбекистон ОАВнинг жаҳон ахборот ҳудуди билан интеграциялаш йўллари;
- алоҳида олинган жамиятларда миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштириб турадиган конституцион меъёрлар;
- ирқий, этник, конфессионал, аҳолининг маданий ўзига хослиги ва эътиқоди бўйича камситиш, зўрлашларни тақиқловчи қонуний ҳужжатлар;
- муайян давлат миллий ғояларининг моҳияти;
- медиатаълим тушунчасининг тавсифи;
- “Медиамаданият”, “ахборот маданияти”, “ахборот хавфсизлиги” тушунчаларининг талқини;
- ОАВ соҳасида медиатаълимнинг ривожланиш тарихи ва хусусиятлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- халқаро ва ахборот макони таҳлили ва баҳолаш методларини;
- ахборот инфратузилмалари фаолиятининг механизмларини;
- янги ахборот тартибининг устувор йўналишларини;
- ахборот соҳаси ва ахборот бозорида рақобатчилик қонуниятларини;
- БМТ, ЮНЕСКО, ХОК, журналистика бўйича халқаро ташкилотлар ва фондлар билан ҳамкорлик технологияларини;
- янги ахборот технологиялари билан ишлаш тажрибасини;
- халқаро ахборот тарқатишни бошқаришнинг воситалари ва ресурсларини;

- миллий ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг методикаси ва техникасини;
 - Ўзбекистон ОАВнинг жаҳон ахборот маконида интеграциялаш усулларини;
 - тарих, анъаналар, урф-одатлар, расм-русумлар, у ёки бу халқларнинг яшаш тарзларини;
 - миллий ташкилотлар, давлатлар, полиэтник жамиятларнинг структура-тизимларини;
 - кўп миллатли давлатларнинг тарихий-демографик муаммоларини;
 - муайян ҳудудлар, минтақалар ва давлатлардаги миллий зиддиятларни;
 - замонавий ахборот ва онлайн технологияларини;
- хорижий мамлакатларда медиатаълимнинг тараққиёти ва замонавий тенденцияларини;
- медиа орқали таълим бериш фаолиятининг назарий асосларини;
- медиа таълим турларини;
- медиа таълимни амалга ошириш принципларини;
- умумтаълим, ўрта махсус ҳамда касб-ҳунар таълими тизимида медиатаълимнинг ўрнини;
- олий таълим тизимида медиатаълимни;
- интернет глобал тармоғининг кириб келиши билан медиатаълим зарурати кучайганини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- ОАВ таҳририятларида, ахборот ва реклама агентликларида, нашриёт ишларида, ахборот ва жамоатчилик билан алоқа хизматларида ишлаш;
 - турли матнларни таҳрир қилиш ва безаш;
 - материаллар (ахборот, муаммоли, таълимий, ишонтирувчи) ни ёза олиш;
 - қўлёзмаларга тақриз ёза олиш;
 - маълум бир жанрда берилган материалларнинг мазмуни, композицияси, тили ва нутқий тузилиши, ҳиссий-ғуслубий ресурслари таҳлили;
 - халқаро ахборот бозоридаги зиддиятларни аниқлаш;
 - миллатлараро муносабатлар назарияларини ўзлаштириш;
 - тарих, анъаналар, дунё халқларининг яшаш тарзларини таҳлил қилиш;
 - журналистик материаллар тайёрлашда аҳоли миллий хусусиятлари ва миллий қадриятларини эътиборга олиш;
 - кўп миллатли давлатларнинг тарихий-демографик муаммоларини шарҳлашда уларнинг миллий менталитети талабларига амал қилиш;
 - турли ҳудудлар, минтақалар ва давлатлардаги миллий зиддиятларни аниқлай олиш;
- онлайн технологиялари ва интернет сайтларида медиатаълимдан фойдаланиш;
- ижтимоий тармоқлар фаолиятида медиатаълимни ташкил этиш;
- замонавий ахборот коммуникацион технологиялари ҳамда телекоммуникация тармоқлари орқали янгича таълим бериш тизимларини шакллантириш;

медиатаълим орқали масофавий таълимни ривожлантириш;
медиатаълимнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жихатдан узвийлиги

“Ахборий жамият назарияси” фани асосий мутахассислик фани ҳисобланиб, магистрантларга ўқитилади. Ушбу фан ўқув режасидаги халқаро журналистиканинг назарий, амалий ва тарихий йўналишдаги барча фанлари билан алоқадор.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Ахборий жамият назарияси” фанининг мақсади бу ахборотлашган жамиятда ОАВ ва унда фаолият кўрсатадиган журналлашларнинг холис ва ҳаққоний хулоса беришдан иборатдир.

Шу боисдан ҳам “Ахборий жамият назарияси” фани республикамиздаги ОАВ фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишда муҳим роль ўйнайди.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг “Ахборий жамият назарияси” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усуллари билан фойдаланиш, янги информацион - педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон манбалар, виртуал стендлар, дарс мазмунли ва фойдали бўлиши учун аудио ва видеотехникадан, интернетдан фойдаланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

Ахборий жамият

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов глобаллашув жараёнлари ва ОАВ олдида турган вазифалар ҳусусида

ЎзР Президенти И.А.Каримов асарларида глобал ахборий жамиятнинг юзага келиши муаммоларининг таҳлили. Мафкуравий урушлар авж олаётган даврда ОАВ воситалари ва журналист фаолияти мазмуни.

Ахборот жамиятнинг ҳозирги замон назария ва концепциялари

“Ахборий жамияти” тавсифи. “Учинчи тўлқин” назарияси. “Эритувчи ўчоқ” назарияси. Ахборотни бошқариш назарияси. ОАВнинг модерн ва постмодерн ривожланиш босқичлари.

Глобал ахборот инфратузилма таркиби ва мазмуни

Глобал ахборот инфратузилма: вужудга келиши, шаклланиши жараёнлари муаммолари ва истиқболлари. Глобал жамиятининг вужудга келиши. Интернет глобал информацион инфратузилма тармоғи унсурлари сифатида.

Ахборот жамиятини юзага келишида фан ва техника ютуқларининг таъсири

Ахборот технологияларининг глобал ахборот инфратузилманинг такомиллаштиришдаги ўрни в аҳамияти. Рақамли технологиялар, Интернет технологиялар ахборот жараёнлари глобаллашувининг омили сифатида

Янги ахборот тартибининг истиқболлари

Янги халқаро ахборот ва коммуникацион тартиб (ЯХАКТ) мазмуни ва моҳияти. “Янги тартиб”нинг ЯХАКТдан фарқи.

Ахборот жамиятнинг иқтисодий муаммолари

NEW ECONOMY ахборий жамият иқтисодиёти тизими сифатида. NEW ECONOMY мазмуни ва муаммолари. Виртуал корхоналар фаолияти. Виртуал жамиятда замон категорияси. Электрон савдо. Электрон банк тизими.

Ахборот жамиятнинг ижтимоий муаммолари

Ахборот жамиятида ишчи кучи таркиби. Ахборот жамиятида бандлик муаммоси. Ахборот жамияти шароитида ижтимоий адолат мазмуни.

Ахборот жамияти маданияти муаммолари

Ахборот жамияти маданияти мазмуни. Глобаллашув жараёнлари ва миллий маданиятларни сақлаб қолиш муаммоси. Оммавий маданият ва дид маданияти.

Ахборот жамиятининг сиёсий муаммолари

Ахборот жамияти шароитида сиёсий тизим. Партисипацион демократия мазмуни. Виртуал жамият шароитида сайлов технологиялари. Электрон давлат фаолияти мазмуни.

Халқаро ахборот тарқатишни тартибга солиш муаммолари ва миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш

Ахборотнинг эркин оқими: афзалликлари ва зиддиятлари. ОАВ фаолиятида ахборот тарқатишни тартибга солиш, тартибга солмаслик ва қайта тартибга солиш ёки издан чиқариш. Ахборот супермагистраллар ва демократия. Ахборий хавфсизлик. Ўзбекистонда миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш омили.

Ахборот тарқатиш ва халқаро ахборот хавфсизликни таъминлашда БМТ, ЮНЕСКО, бошқа халқаро ташкилотларнинг ўрни

Ахборотлар оламидаги таҳдидларни енгишда халқаро ташкилотлар аҳамияти. Ахборот “урушлари” ва уларни тартибга солишда БМТнинг факультатив меъёрлари.

Халқаро ахборот алмашинуви жараёнига Ўзбекистон ОАВининг интеграция йўллари

Интеграциянинг сиёсий ва ҳуқуқий асослари. Ахборот жамияти бунёд бўлаётган даврда янги ахборот технологиялар билан ишлай оладиган профессионал журналист кадрлар тайёрлаш муаммолари.

Ахборий жамиятда миллий менталитет муаммолари

Менталитет ҳақида тушунча. Менталитет ва ОАВ

Менталитет ҳақида тушунча. Менталитетда муайян халқ миллий хусусиятларнинг акс этиши. Миллий менталитетнинг шахсни шакллантирувчи ва ривожлантирувчи кучи. Менталитетнинг қатламлари.

Менталитет ва ОАВ. Миллий ОАВда менталитет акс этирилишининг умумий кўринишлари.

Менталитет, миллат ва кадриятлар

Менталитет ва миллат. Менталитет ва этник хусусиятлар. Менталитет ва умуминсоний кадриятлар. Менталитет ва миллий кадриятлар. Менталитет ва

дин. Менталитет ва замонавий ахборот технологиялари. Менталитет ва глобаллашув жараёни.

Телевидениеда миллий менталитет муаммолари

Бугунги телевидение хусусиятлари. Халқаро телевидениеда менталитетнинг кўринишларига умумий тавсиф. Си-эн-энда АҚШ миллий менталитети. Би-би-сида Буюк Британиянинг миллий менталитети. Россия телеканалларида миллий менталитет масалалари.

Миллий истиқлол ғояси ва миллий менталитет. Ўзбекистон телевидениесига миллий менталитет. “Ўзбекистон” телеканалдаги кўрсатувларда миллий менталитет. Миллий менталитетнинг мавзулар, фактлар ва талқинларда акс эттирилиши. Миллий менталитет ва жанр, услуб ҳамда асарнинг тили.

Радиожурналистикада миллий менталитетнинг намоён бўлиши шакллари

Хорижий радиостанцияларда менталитет масалалари. Хорижий радио ва “хорижий” менталитет. Хорижий радиостанцияларнинг ўзбек тилидаги эшиттиришларида бошқа миллатларнинг менталитети ўз аксини топиши.

Ўзбекистон радиосининг миллий хусусиятлари. Радио менталитетни акс эттирувчи восита сифатида. Радиода менталитетнинг кўринишлари. Миллий менталитетнинг радиодаги мавзулар, фактлар ва талқинларда акс эттирилиши. Миллий менталитет ва жанр, услуб ҳамда асарнинг тили.

Матбуотда миллий менталитет муаммолари

Матбуот миллий ҳодиса сифатида. Халқаро нашрларда менталитетнинг кўринишлари. Миллий матбуот ва миллий менталитет. Мавзу танлаш, уни ишлаш, фактлар йиғиш, уларни талқин этиш, хулосаларда менталитетни акс эттириш масалалари. Журналист позициясида миллий менталитет.

Матбуот дизайнида менталитетнинг кўринишлари. Муаллиф услуби ва менталитет. Жанр ва менталитет. Журналист асарининг тилида менталитетнинг акс эттирилиши.

Ахборий жамиятда медиатаълимнинг замонавий концепциялари

Ахборий жамиятда медиатаълимнинг замонавий концепциялари курсининг мақсад ва вазифалари. Медиатаълим ҳақида тушунча. Медиатаълимнинг тараққиёт босқичлари. Матбуот, радио, телевидение ва интернет пайдо бўлиши

ва уларни қабул қилиш хусусиятлари ҳамда эволюцияси. Медиатаълим таърифи, тарихи ва таснифи.

Замонавий ахборот маконида медиатаълимнинг зарурати ва долзарблиги

Халқ ва медиа. Медиа – инсоннинг руҳий дунёсининг иникоси сифатида. Медиа ёрдамида ижтимоий онгни шакллантириш масалалари. Инсон психологиясига мантиқий, жонли овоз ва тасвир ёрдамида таъсир этиш усуллари.

Глобал ахборот маконида медиатаълимнинг етакчи назариялари

Медианинг таълим жараёнига жорий этилиши. Франция медиатаълим назарияси, Германия медиатаълим назарияси, Буюк Британия медиатаълим назарияси, АҚШ, Канада медиатаълим назарияси.

Замонавий медиатаълимнинг турлари ва кўринишлари

Медиатаълимнинг уюшқоқлигига кўра (расмий, йўналтирилган ва норасмий) турлари. Таълим муассасаси турига қараб медиатаълимнинг асосий, кўшимча компенсатор турлари. Медиатаълимнинг (расмий ва норасмий) кўринишлари.

Медиатаълимни жорий этишнинг асосий прициплари

Инсонпарварлик, демократия, ранг-баранглиги, узлуксизлик, таълимнинг ҳамма олиши мумкунлиги, мослашувчанлик, очиклик, ошкоралик таълимнинг асосий принциплари сифатида. Медиатаълим принципларининг ОАВ табиатига алоқадорлиги. Очиклик, ҳамма олиш мумкинлиги, оммавийлик, демократиклик, давлат ва жамоатчиликка тааллуқлиги, ранг-баранглиги, адекватлик, диалог кўринишдалиги, узлуксизлиги медиатаълимнинг асосий прициплари эканлиги. Л.Мастерман илгари сурган медиатаълимнинг 18 приципи.

Медиатаълим ва оммавий ахборот воситалари: муштараклиги, ўзига хослиги

ОАВ медиатаълимнинг объекти сифатида. Матбуот, радио, телевидение ва интернетнинг ахборот воситаси сифатида таъсир этиш имкониятлари

Ахборий жамиятда медиасаводхонликнинг асосий белгилари.

Жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини аниқлаш. Ахборотни қабул қилиш, саралаш ва фойдаланиш малакаси. Ахборотни тизимлаштириш. Ахборот билан ишлашда АКТнинг аҳамияти.

Медиатаълимнинг асосий концепциялари, категориялар ва улардан фойдаланиш имкониятлари

Репрезентация - медиатаълимнинг асосий ва боғловчи концепцияси сифатида. Медианинг турлари, шакллари, жанрлари. медиааудитория, медиаматн, медиатехнологиялар медиатаълимнинг муҳим категориялари сифатида. Аудитория билан ишлашда медиатаълимнинг имкониятлари

Хорижий мамлакатларда медиатаълимнинг ўзига хослиги ва уларга қўйиладиган талаблар.

Ғарб мамлакатларида медиатаълим. Шарқ мамлакатларида медиатаълим. Шарқона турмуш тарзининг медиани қабул қилишга таъсири. Аҳолининг медиа саводхонлигини оширишда миллий ОАВнинг таъсири. Ўзбекистон халқи медиамаданиятини шакллантиришнинг зарурати, тартиби ва хусусиятлари.

Ўзбекистон таълим тизимида медиатаълимнинг ўрни.

Медиатаълимнинг инсоннинг ёши билан боғлиқлиги. Мактабгача таълим муассасалари медиатаълим. Ўрта мактабда медиатаълимнинг аҳамияти. Ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида медиатаълимнинг жорийланиши хусусиятлари. Медиамаданиятни шакллантириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг кўрсатмалари ва уларни бажариш амалиёти. Медиахуружлар ва уларга қарши иммунитетни ҳосил қилиш масалалари.

Журналистларни тайёрлаш – медиатаълимнинг муҳим йўналиши сифатида

ОАВ учун кадрлар тайёрлашнинг биринчи, иккинчи ва учинчи давлат дастурлари (1999, 2006, 2014 йиллар), уларнинг мазмуни, тадбирлар режаси, бажарилиши амалиёти. Жамоатчилик билан алоқалар – медиатаълимнинг муҳим йўналиши сифатида. Реклама маданияти. Интернет ОАВ – журналистиканинг янги йўналиши. Замонавий босқичда медиаэтиканинг аҳамияти.

Семинар машғулотларининг тахминий рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов глобаллашув жараёнлари ва ОАВ олдида турган вазифалар ҳусусида.
2. Ахборот жамиятининг ҳозирги замон назария ва концепциялари.
3. Глобал ахборот инфратузилма таркиби ва мазмуни.

4. Ахборот жамиятини юзага келишида фан ва техника ютуқларининг таъсири. Янги ахборот тартибининг истиқболлари.
5. Ахборот жамиятнинг иқтисодий муаммолари ва ижтимоий муаммолари.
6. Ахборот жамиятининг маданий ва сиёсий муаммолари. муаммолари.
7. Халқаро ахборот тарқатишни тартибга солиш муаммолари ва миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш.
8. Ахборот тарқатиш ва халқаро ахборот хавфсизликни таъминлашда БМТ, ЮНЕСКО, бошқа халқаро ташкилотларнинг ўрни.
9. Халқаро ахборот алмашинуви жараёнига Ўзбекистон ОАВининг интеграция йўллари.
10. Менталитет ҳақида тушунча. Менталитет ва ОАВ.
11. Менталитет ва миллий қадриятлар.
12. Телевидениеда миллий менталитет муаммолари.
13. Радиожурналистикада миллий менталитетнинг намоён бўлиши шакллари.
14. Матбуотда миллий менталитет муаммолари.
15. Медиатаълим ҳақида тушунча. Фаннинг мақсад ва вазифалари.
16. Медиатаълим тарихи ва назарияси.
17. Хорижий мамлакатларда медиатаълим.
18. Ўзбекистон таълим тизимида медиатаълимнинг ўрни.
19. Ўзбекистонда умумий медиатаълимнинг ўрни ва тавсифи.
20. Журналистларни тайёрлаш – медиатаълимнинг муҳим йўналиши сифатида.

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотларида талабалар фан бўйича қуйидагиларни ўрганадилар:

- дунёнинг ривожланган мамлакатларида “Ахборот жамияти, менталитет ва медиатаълим концепциялари” тушунчаси ва амалиётининг бугунги аҳволи, унинг ОАВ кундалик фаолиятидаги роли ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўладилар;
- ўрганган назарий билимларни амалиётга татбиқ этган ҳолда Ўзбекистон ахборий жамият тушунчаси миллий ва умуминсоний қадриятлар мувозанати, медиатаълим концепцияларини ўрганиш ва ОАВ фаолиятида касб одоби муаммоларини таҳлил қиладилар;

- демократлашаётган жамиятда соҳада ўзини ўзи бошқариш тизимини яратишга доир мезонларни ўзлаштириш, бунда журналист шахси, салоҳияти ва маҳорат сирларини эгаллайдилар;
- замонавий халқаро мезонлардан ва тажрибалардан келиб чиқиб мустақил Ўзбекистон журналистикаси ривожига ўз ҳиссасини қўшадилар.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши ўқув режада режалаштирилмаган

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мазкур фанни ўрганувчи талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва келгусида уларни амалиётда қўллаш учун мустақил таълим тизимига асосланиб кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида мустақил иш бажарадилар. Бунда улар қўшимча адабиётларни ўрганиб ҳамда интернет сайтларидан фойдаланиб реферат ва илмий маърузалар тайёрлайдилар, амалий машғулот мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, кўرғазмали қуроллар ва слайдлар тайёрлайдилар.

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалари бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлардан фанга оид бўлимлар ва мавзулар устида ишлаш;
- янги техникалар, компьютер дастурлари ва технологияларини ўрганиш;
- талабанинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиши;
- фаол ва муаммоли ўқитиш усулларидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;
- масофавий (дистанцион) таълим.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Ахборот жамиятини юзага келишида фан ва техника ютуқларининг таъсири. Янги ахборот тартибининг истиқболлари.

2. Ахборот жамиятнинг иқтисодий муаммолари ва ижтимоий муаммолари.
3. Ахборот жамиятининг маданий ва сиёсий муаммолари. муаммолари.
4. Халқаро ахборот тарқатишни тартибга солиш муаммолари ва миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш.
5. Ахборот тарқатиш ва халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлашда БМТ, ЮНЕСКО, бошқа халқаро ташкилотларнинг ўрни.
6. Халқаро ахборот алмашинуви жараёнига Ўзбекистон ОАВининг интеграция йўллари.
7. Менталитет ҳақида тушунча. Менталитет ва ОАВ.
8. Телевидениеда миллий менталитет муаммолари.
9. Радиожурналистикада миллий менталитетнинг намоён бўлиши шакллари.
10. Матбуотда миллий менталитет муаммолари.

Дастурнинг инфор­ма­цион–услубий таъминоти

Мазкур дастурнинг ўзлаштирилиши замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнида тўғри ва самарали татбиқ қила олиш билан белгиланади. Ушбу мақсадда дарсларда “Ақлий ҳужум”, “Дебатлар”, “Инцинировка”, “Жумбоқ”, “Матбуот конференцияси”, “Брифинг” каби интерактив-инновацион технологиялар ҳамда ахборот олишнинг турли йўллари (расмий ва норасмий) жамоа бўлиб ишлаш, таҳлил, тадқиқот, манбаларни қиёслаш, мантиқий мушоҳада каби методлардан фойдаланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Землянова Л.М. Зарубежная коммуникативистика в преддверии информационного общества. М.: Изд – во Моск. ун-та. 2001.
2. Ирназаров К.Т. ва б. Ҳозирги замон журналистикаси. – Т.: ЎЗМУ, 2008.
3. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. Т.: Янги аср авлоди, 2004.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат). Т.: Янги аср авлоди, 2002.
5. Южалина Н.С. Менталитет. Сущность и структура явления. Учебное пособие. Челябинск, изд-во ЮУрГУ.

Қўшимча адабиётлар:

1. Землянова Л.М. Современная американская коммуникативистика. М.: Изд – во Моск. ун-та. 1995.
2. Михайлов С.А. Современная зарубежная журналистика: правила и парадоксы. Учебное пособие. СПб: Изд-во Михайлова В.А., 2002.
3. Нестеренко Ф.П. ва б. Луғат - маълумотнома: журналистика, реклама, паблик рилейшнз. Т.: Зар қалам. 2003.
4. Гачев Г. Ментальности народов мира. М.: Эксмо, 2003.
5. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. М., 1999.
6. Корконосенко С.Г. Преподаем журналистику: профессиональное и массовое медиаобразование. – СПб.: Изд-во Михайлова, 240 с.
7. Федоров А.В. Медиаобразование в зарубежных странах. – Таганрог: Изд-во Кучма, 2003. – 238 с.

Интернет сайтлари:

1. vitaweb.jino-net.ru.
2. www.journalism.ru
3. www.mediasprut.ru
4. www.telemultimedia.ru
5. <http://www.internetworldstats.com>
6. <http://www.cjr.org>

